



METHODS OF USING IRRIGATION TECHNIQUES OF THE KASHKADARYA OASIS

S. S. Suyunov

*Samarkand Archaeological Institute
Samarkand, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Rudaksoy, Sarik, Mushvan, Sanat, Dasht, Fashina, Sepoya, Chorpoya, Chilpoya, Novala, Ward, Novard, Nishband, Chigir, Charkh, Black Water.

Received: 27.11.24

Accepted: 29.11.24

Published: 01.12.24

Abstract: This article examines the issues of irrigation technology and water use in the Kashkadarya oasis. From early iron age and ancient times, the peasants of the Kashkadarya oasis widely utilized tapes, trees, boards, and khokbands in agriculture, which served as unique, simple water structures and engineering devices. These methods were comparatively analyzed and identified. Additionally, among ancient water measurement techniques, the experience gained from kubai, tubular, and jug irrigation systems demonstrated notable accuracy compared to other methods, approaching scientific (innovative) irrigation practices. It is clearly indicated that studying these historical experimental methods also helped reveal certain issues in the analysis of the social and economic history, as well as the history of oasis irrigation, of that period.

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИНИНГ СУГОРИШ ТЕХНИКАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

C. C. Суюнов

*Самарқанд археология институти
Самарқанд, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Рудаксой, сарик, мушван, санъат, дашт, фашина, сепоя, чорпоя, чилпоя, новала, вард, новард, нишбанд, чифир, чарх, қора сув.

Аннотация. Мақола, Қашқадарё воҳасининг ирригация техникаси ва сувдан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги муаммоларни ўрганишга бағишиланган. Унда Қашқадарё воҳаси дехқонларининг илк темир ва антик давридан бошлиб, ўзига

хос оддий сув иншоотлари ҳамда мұхандислик қурилмалари ҳисобланған банд, дархат, тахта, хокбандлардан дәхқончилиқда кенг фойдаланғанлиги, “сепоя”, “чорпоя” ва “чилпоя” оддий техник сув қурилмалари орқали тоғ дарёлари ва сой сувлари оқимини тартибга солиши мақсадида бунёд қилинғанлиги түғрисидаги маълумотлар солиштирма таҳлил қилинған ва очиб берилған. Шу билан бирга қадимдан қўлланиб келинған сувни ўлчаш усусларидан кунбай суғориш, қувур орқали ва кўза ёрдамида суғоришда эришилған тажрибалар бошқа усусларга нисбатан бир мунча аниқликларга эга бўлиб, илмий (инновация) ирригация усусларига яқин бўлған. Бу ўтмиш тажриба усусларини ўрганиш ўша давр ижтимоий, иқтисодий ва воҳа суғорилиш тарихини ўрганишда баъзи бир муаммоларни очища ҳам ёрдам берганлиги очиқлаб берилған.

СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТЕХНИКИ ОРОШЕНИЯ КАШКАДАРЬИНСКОГО ОАЗИСА

С. С. Суюнов

*Самаркандский археологический институт
Самарканд, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Рудаксой, Сарик, Мушван, Санат, Даشت, Фашина, Сепоя, Чорпоя, Чилпоя, Новала, Вард, Новард, Нишибанд, Чигир, Чарх, Черная вода.

Аннотация: Статья посвящена изучению проблем техники орошения и водопользования Кашкадарьинского оазиса. Крестьяне Кашкадарьинского оазиса с эпохи раннего железа и глубокой древности широко использовали в сельском хозяйстве ленты, деревья, доски и хокбанды, представляющие собой уникальные простые водные сооружения и инженерные устройства, которые были сравнительно проанализированы и выявлены. Также рассмотрены древние методы измерения воды, среди которых орошение кунбаем, трубчатым и кувшинным поливом, которые обладают сравнительно высокой точностью по сравнению с другими методами и приближаются к научным (инновационным) методам орошения. Отмечено, что изучение этих экспериментальных методов прошлого также помогло выявить определенные проблемы в изучении социальной и

экономической истории, а также истории оазисного орошения того периода.

Қашқадарёниг суви доимо ўзгарувчан бўлиб, у асосан ёз ойларида жануб томонининг чап қирғоқларига урилиши туфайли ҳосил бўлган, қуйи ўзанларидағи суғоришга қулай жойлашган 14 та йирик суғориш тармоқларини бир хилда сув билан таъминланишига таъсир этиб келган (1-расм).

Шу сабабли ҳам турар жой аҳолиси дарё оқимини тартибга солиш, дарёдан бош олган сунъий суғориш тармоқлари сув манбаларидан ўз вақтида фойдаланиш, улардан суғоришга керак бўлган миқдордаги сувни боғлаб олиш билан банд бўлган. Бундай ҳолатни назорат қилиш доимо турар жой аҳолисининг диққат эътиборида бўлиб келган.

Қашқадарёниг қуйи йирик ўзанларидан бош олган сунъий суғориш тармоқларига сувни бериш асосан кичик оддий сув тўғонлари (катта дархат) орқали амалга оширилиб, бу усул воҳада қадимдан кенг жорий этилган. Ўрта Осиёниг йирик дарёлари Сирдарё, Амударё ва Зарафшон дарёсида кузатилганидек, Қашқадарёниг олдини банд қилишда ҳам икки хил усулдан жуда кенг фойдаланган.

Биринчи усул; Бу хилдаги иншоотлар дарёниг ўрта оқимида, маълум бир жойига ўрнатилган шипорали оддий қурилмадан иборат тўғон бўлиб, улар “нишоб”, ёки “нишбанд” деб аталган.

Иккинчи усул; Бу хилдаги иншоотлар дарёниг икки томонига маҳкамланган ёпиқ тўғонлар бўлиб, улар “кўрбанд” ёки “ёпиқ тўғон” деб аталган. Булар ҳам икки хил усулда бўлиб, уларнинг бири боғламасиз, иккинчиси эса фашиналардан бунёд қилинган. Фашиналардан асосан Ўрта Осиёдаги дарёларни жиловлашда кенг фойдаланилган (Суюнов, 2022. 140-145 бет).

Ушбу иншоотларнинг номи ҳар бир жойнинг ўз номи билан аталган. Масалан Хоразмликлар “новард” ёки “вард” деб, Фарғона водийсида “улик” деб, Сирдарёда “корабура” деб, Самарқандда эса “новала” деб юритганлар (Мухаммаджонов, 1972. Б. 287). Самарқандга қўшни бўлганлиги сабабли Қашқадарё воҳасида ҳам бу усул кўпроқ “новала” номи билан аталиб келинган. Манбаларда ҳам “новала” атамаси кўпроқ учрайди.

“Новала” асосан шоҳ-шабба ва қамишдан цилиндр шаклда ишланган бўлиб, ораси тош ва чим ҳамда шағаллар билан тўлдирилган. Кўндаланига эса уч ёки тўрт жойидан йифим ёки қамиш билан маҳкам қилиб боғланган. Бу қурилма (фашина) сув ўпиреб кетган жойларга блок кўринишида қилиб тахланган. Уларнинг ўртасига катта–катта тошлар тўлдирилгандан сўнг бу фашиналар ўпирилган жойларда мустаҳкам метинде ўрнашиб қолган. Ҳудди шундай усулдан қадимдан, бутун Ўрта Осиё худудида кенг фойдаланиб келинган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида бундай қурилмаларнинг бунёд этилиши жараёнiga гувоҳ бўйган ва кузатган рус муаллифлари X.B. Гелбман ва Н. Дингельштетлар маҳаллий халқнинг ирригация техника соҳасида қўллаган усулларига баҳо беришиб, фашиналарни бирорта ускунасиз тайёрланганидан, арzon ва куладай бўйганлигидан, ўз ўрнида моҳирлик билан жойлаштирилганини эса катта иш эканлигини таъкидлаб ўтган (Гелман, 1982. С. 49).

Демак фашиналар нафақат Зарафшон водийсида қолаверса Қашқадарё водийсида ҳам жуда кенг қўлланилган. Улардан асосан дарёларни боғлашда, тўғонлар куришда ва катта сув ўпиришларини олдини олишда фойдаланган.

Фашиналар тўғрисида илк маълумотлар XVI аср ёзма манбаларида тилга олинади. Унинг пайдо бўлиши тўғрисида эса воҳада кенг майдон ва йирик ер массивларини сув билан таъминлай оладиган хўжалик ташкил топгандан сўнг вужудга келган деган хulosага келишган. Лекин аслида бундай эмас, фашиналарга ўхшаш қурилмалар тўғрисида ўрта аср ёзма манбаларида ҳам қайд қилинган. Масалан, Зарафшон дарёсида фашиналарга ўхшаш оддий сув иншоотларнинг қадимдан мавжуд бўйганлиги айтилади. Ўрта Осиёда мавжуд дарёларнинг сувларини жиловлашда фашиналар билан бир қаторда “сепоя”, “чорпоя” ҳамда “чилпоя” оддий техник сув иншооти қурилмаларидан ҳам кенг фойдаланилганлиги тўғрисида айтилади (2-расм).

Дарё сувларини жиловлайдиган бу усуллар узоқ тарихий жараёнда вужудга келган бўлиб, бу тўғрисида юртимизда топилган археологик ашёлардан ҳам бизга маълум. Масалан, Кампирработда 14 метр чуқурликдан топилган “сепоя” қолдиқлари бунга мисол бўла олади. “Сепоя” одатда учта ёғоч ходадан иборат бўлиб, улар бир-бирига маҳкам қилиб боғланган. Оёқлари ғўла қилиниб унга шоҳ ва тош аралаштирилиб беркитилган. “Сепоя” оддий сув қурилмаси сифатида асосан дарёнинг суви кенгайиб секин оқадиган жойига ўрнатилган. Чунки сувни тўсиб, сугориш тармоғининг бош қисмига кирадиган жойигача мўлжалланган. У дарё ёки йирик сугориш тармоқларининг қирғоқларини сув олиб кетишдан сақлаш, сув оқимини буриб юборишда, шунингдек тошқинлар вақтида сув ювган қирғоқларини маҳкамлаш учун ўрнатилган (Муҳаммаджонов, 1972. Б. 290-291).

Худди шундай усулда Қашқадарёда ҳам ёз мавсумида сув камайиб қолганда уни димлаш учун асосан сепоядан фойдаланган. Чунки сепоя қурилмасини ясаш оддий ҳамда кам харажат бўйган. Ҳозирги вақтда ҳам муҳандис-гидротехниклар ундан кенг фойдаланади. Сепоянинг баландлиги сув ҳажмининг кўп ёки камлигига қараб 3 метрдан то 10 метргача бўлади. Гидротехниклар узунлиги 10 метр бўйган сепояга босилган шоҳ ва ундаги шағал тошларининг оғирлиги 30 тоннагача бўйганлигини аниқланган. Бундай катта оғирликка эга бўйган сепоялар кўпроқ Зарафшон дарёсининг юқорисида қурилган “Вараксар” тўғонида кўпроқ кузатилган.

Ўрта Осиёдаги дарёларга дамба сифатида қўйиладиган “сепоя” дарё ичига чўктирилади. Бошқа сепоялар бир-бирига уланиб дарё ичига тизма қилиб ташланади. Қамишдан тўқилган йўғон арқон билан бир-бирига боғлангандан сўнг “сепоя” ларга тош, шағал, похол ёки хўл хашак бостирилади. Шу тариқа сувга ўрнатилган “сепоя” ларни канал тутиб қолади. Сув билан бирга лойқа оқимлар келиб ёпишгандан сўнг “сепоя” лар тизмаси сув ўтказмайдиган мустаҳкам тўсиққа айланади.

Дарё сувларини боғлашда сепоя иншоотидан ташқари 4 та ёғочдан ясалган -“чорпоя” деб юритиладиган оддий техник иншоотлардан ҳам кенг фойдаланилган. “Чорпоя” қурилмасининг тузилиши ҳам сепоя қурилмаси сингари бўлиб, улар турли ҳажмда тайёрланган. Чорпоянинг баландлиги ҳатто 10 м дан узун, оғирлиги эса 50 тоннагача бўлган. Бундан ташқари маҳаллий ирригаторлар Зарафшон дарёсида қўлланилгани каби, Қашқадарёдаги сув иншоотларини барпо этишда ҳам тош ва пишган гиштлардан кенг фойдаланиб келган. Масалан улар мустаҳкам тўғонлар кўринишида бўлиб, сув айирғичлар воситасида сел ва мавсумий сувларни жиловлай олган. Шу аснода янги сув омборлари ҳам бунёд қилинган.

Қашқадарё воҳасида қайд этилган Чимқўрғон сув омбори худди шундай техник сув иншоотлари жумласига киради. Чунки ушбу сув омборига юқоридан оқиб келадиган Оёқчисой, Оқсувдарё, Жиннидарё ва Танҳоздарёларнинг сувларини тартибга солиш учун ҳам сепоя, чорпоя каби техник сув қурилмаларидан фойдаланилган. Чунки бундай техник сув қурилмалари орқали сойлардан тушадиган сувлар ягона бир тизимга солинган, сўнгра Чимқўрғон сув омборига қараб йўналтириб юборилган (Бердимуродов, Суюнов, Курбонбоев, 2013. 48-57 бет).

Воҳада бунёд қилинган сув омборлари орқали табиий оғатларнинг олдини олиш, сел сувларини бир ерга тўплаш ва унинг ҳисобидан эса дехқончилик учун зарур бўлган сув захирасини яратиш бўлган.

Қашқадарё водийсида айниқса баҳор ойларида сел келишлар тез-тез содир бўлиб турган. Қашқадарё вилоятининг сув хўжалиги архив маълумотларидан бизга маълумки, 1870, 1877, 1900 ва 1917 йилларда воҳада ниҳоятда кучли сел бўлганлиги кузатилган (Саидов, 1972).

Айниқса воҳада пайдо бўлган сел сувларининг тошқини натижасида кўплаб суғориш тармоқлари, сунъий суғориш шаҳобчалари ҳамда мавжуд ариқлар тўлиқ бузилиб кетган. Ҳаттоки бош сувчи ва уста дехқонлар бу ҳолатдан чиқишини ўйлаб топганлар, улар бевосита дарёдан бош олган суғориш каналлардаги суғоришдан ортиқча сувларни ташлаб юбориш учун алоҳида маҳсус сунъий (ташланма канал) каналлар ҳам қазишган.

Қашқадарёда сел тошқини бўлган пайтларда, ундаги ортиқча сувларни шундай маҳсус қилинган сув ташланма каналлар орқали айланма усулда дарёning кенг жойларидан ташлаб юборишган. Бундай сунъий ташлама каналларни Яккабоғдарё ўзанида ҳам кузатиш мумкин. Масалан дарёning ортиқча сувларини қайта тушириш мақсадида белгиланган жойда (каналдан тушадиган сув оқимиға) чимдан мустаҳкам нишаб қилиб чиқилган. Унинг қирғоқларига хўл тол ёки хўл тераклар ётқизиб чиқилган. Шу аснода дарёning ортиқча сувлари бошқа ўзанга ташлаб юборилган.

Бундан ташқари воҳада бошқа усулдаги қурилмалардан ҳам кенг фойдаланилган. Масалан, Хоразм ва Марв воҳасидаги чиғирлар ҳақида гап кетганда олтита термин ишлатилади. Биринчи; дўлоб, иккинчи; дамия, учинчи; ғаррафа, тўртинчи; зурнул, бешинчи; наура, олтинчи; манжаундир. Шарқшунос олим В.В. Бартольднинг фикрига кўра, бу терминларнинг ҳар қайси чиғирнинг турли хилда эканлигини ифодалаган бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида маънони беради. Шу билан бирга ер сатҳидан баланд бўлган жойларни суғориш учун ҳам алоҳида сувни юқорига ташлайдиган қурилмалар бўлган (Бартольд, 1914. С. 113-114).

Масалан, 1349 йилда Хоразмда тузилган шайх Сулаймон Ҳудодийнинг Хонақо вакф хужжатида чиғирнинг номи эронча “чарх” номи билан келтирилади. Чиғир (чарх) уч асосий қисмдан; сувни ботириб оловчи ғилдирак, горизонтал ўқ ва тарновлардан иборат бўлган.

Ўрта Осиёда чиғирларнинг икки хил тури учрайди. “улу чиқир” (катта (улуғ) чиғир) ва “кичи чиғир” (кичик чиғир) дир. Булар бир-биридан ғилдиракларининг ҳамда идишларнинг ҳажми билан фарқ қиласи. Ғилдиракнинг диаметри 1,5 м дан 2,5 м гача бўлади. Ғилдиракнинг тўғини (“қаснок”) кенглиги 6-7 см, қалинлиги 2 см бўлган катта ёғоч гардишга ўхшайди. Дигир шу дастага яъни тўнғичга боғланади, шунингдек тут ёки толнинг навда пўстлоғидан эшилган ип эса кўзанинг бўйнидан боғланади. Чиғирнинг ғилдирагига унинг катта-кичиклигига қараб 24 та дан то 36 та гача дигир (сопол кўза) боғланади (Кондрашев, 1931).

Қашқадарё воҳасида сув иншоотлари, сунъий суғориш тармоқлари ва ариқлар орқали келадиган сувларни тепага олиб чиқиш учун ҳам ноёб қурилма ҳисобланган чархпалакдан жуда кенг фойдаланилган. Чархпалаклар ривожланган ўрта асрларнинг ноёб сув иншооти бўлиб, улар тўғрисида араб ёзма манбаларида кўпроқ маълумот берилган. Бу техник қурилма сув оқими ёрдамида харакатга келадиган чарх бўлиб, чиғир, тепма ва бошқа иншоотлар, усулларга нисбатан жуда қулайроқ қилиб ишланган. Бунда қўл меҳнати ёки ҳайвонлар кучидан фойдаланилмаган. Шунинг учун ҳам жуда қулай ва арzon механизм ҳисобланган. Бу техник иншоот орқали ер сатҳидан пастроқда оқадиган дарё, сой, канал ва

ариклардаги сувларни ер сатҳидан баланд бўлган жойларга сув чиқариш учун ерларни суғоришида фойдаланган.

Иншоот бир ўқса ўтқазилган бўлиб, айланма кенг тахталар билан туташтирилган қўш ғилдираклардан иборат бўлган. Унинг ўки икки томонга мустаҳкам қоқилган, катта пойдевори эса қозиқса ўрнатилган. Сувга ботириб олиш учун чархпалакнинг қирғоқ томонидаги тегарчасига, оғизларини қирғоққа қия қаратиб қўйиб, сопол кўза ёки ёғоч кўзалар боғлаб қўйилган. Иншоот айланна бошлагач, канал ёки ариқдан кўзаларга кирган сув, тепада ўрнатилган новга қўйилган. Нов орқали сув ариқларга ташланган. Чархпалак ёрдамида сувни 4-5 метр баландликка чиқариш мумкин бўлган. Агарда 10 м баландликга сувни чиқариш зарур бўлса, бу техникадан иккита бир-бирига яқин қилиб қурилган. Чунки биринчи чархпалак орқали сув 5 м баландликка кўтарилади ва ҳовузга ташланади. Шундан сўнг иккинчи қурилма орқали яна 5 м баландликга кўтарилади. Шу тарика қўш чархпалаклар орқали сув 10 м баландликка олиб чиқилади (Лурье, 1940. С. 22), (3-расм).

Иrrигация соҳасида мутахассис Е.Е. Скорняковнинг тадқиқотларида, оддий сув иншооти ҳисобланган чархпалакдан бир минутда 600 литр, унинг айланиш тезлигига қараб минутига 2400 литргача сув чиқариш имконияти бўлганлиги аниқланган. Тепаликка чиқарилган сув манбалари ҳисобидан 30 гектаргача ер майдонларини суғориш имкони бўлганлиги айтилган.

Воҳада сунъий суғориш тармоқларидан оқиб келадиган сувни дехқонлар ўртасида тақсимлаб олиш ва ундан фойдаланиш масаласи канал ва ариқлардан сув чиқарилгандан сўнг амалга оширилган. Масалан, маҳаллий аҳолининг суғориш тажрибасига қараб бу хусусида алоҳида тартиб ва усул ишлаб чиқилган. Бу усул орқали Қашқадарё воҳасининг барча суғориладиган худудларида сув тақсимотининг ягона бир тартиби ишлаб чиқилган. Лекин аҳолининг ер майдонларини суғориш учун керак бўлган сув миқдорини белгилаб берувчи ягона механизм бўлмаган. Шундай бўлсада сув миқдорини аниқловчи маълум бир ўлчов бирликлари мавжуд бўлган.

Масалан энг қадимги дехқончилик туманларидан бири бўлган Хоразмда бир хил, Зарафшон воҳасида яна бир хил, Фарғона водийсида ва Қашқадарё воҳасида эса турли хилдаги ўлчов бирликлари бўлган. Қадимдан сув заҳираларидан фойдаланишнинг бош мезони –сув сарфининг ҳисоб-китоби, унинг биринчи манъбаи (сув омбори, дарёлар, сойлар ва ариқлар) дан, то бевосита суғоришнинг сарф жойигача бўлган қисмини тўғри тақсимлаш керак бўлган (Ғуломов, 1959. Б. 249-280).

Қашқадарё воҳасининг ўзига хос табиати ва иқлим шароити мўътадил бўлганлиги сабабли воҳада дехқончилик қилиш учун жуда қулай шароит бўлган. Воҳанинг асосий сув манъбаи Қашқадарё ҳамда бир қатор мавжуд тоғ сойлари бўлиб, улардан ахоли жуда

қадимдан доимо фойдаланиб келган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки Яккабоғдарё, Танҳоздарё, Оқсувдарё ва Ғузордарё сув манбалари воҳани суғоришда доимий бир-бирига мутаносиб бўлиб келган (4-расм).

Шу сабабли ҳам дарёлар ва сойлар орқали суғориладиган ер майдонларига сув етарли тақсимланиб, уларнинг ортиқча сувлари яна Қашқадарёга ташлаб юборилган. Лекин Қашқадарё сувлари ёз ойларининг ўрталарига келиб, қуйи ўзанларидаги ерларни суғоришга этиб бормай қуриб қолган. Бу ҳолатни X асрда Насафга ташриф буюрган араб сайёхи Ибн Ҳавқал ҳам таъкидлаган. Шу сабабли ҳам дехқонлар воҳада сув учун доимо қаттиқ кураш олиб бориб, жуда кўплаб оддий ва мураккаб бўлган тўғонлар (сув омборлари) қуришган (Ибн Ҳавқал, 2011. 66-67 бет). Омборларда асосан ёз мавсумида зарур бўлган сув заҳираси тўпланган, айниқса дехқончилик мавсумида айнан шу сув заҳирасидан кенг фойдаланган. Қолаверса, воҳада бир қарич ерни суғориш учун ҳам сувни тежаб ишлатиш муҳим ҳисобланган. Масалан, баҳор мавсумида ёмғир кўп ёқсан пайтларда, дарё ва сойлардан сел келиб воҳадаги ариқ, сунъий суғориш тармоқлари, кўприк ва кўплаб тўғонларни вайрон қилган. Бундай ҳолларда воҳа ахолиси сув тошқинига ва унинг вайроналарига қарши барча чора тадбирларни ишлаб чиққан. Шу сабабли ҳам воҳа суғорма дехқончилигида сув тақсимоти масаласи хўжаликда муҳим вазифа ҳисобланган. Ҳатто баҳор ойларида сел сувларидан кенг фойдаланиш мақсадида, ортиқча сувларни заҳирада ушлаш учун ҳам сел сув омборлари ҳам қуришган.

Қашқадарёда асосан икки хил сув манбаи бўлиб, улар оқ ва қора сувлар деб атаб келинган. Бу сув манбаларидан, оқ сув ичишда ҳамда суғоришда ишлатиладиган бўлиб, дехқончилик учун жуда қулай ҳисобланган. Масалан ёзма манбаларда “Сунъий каналлар; ўсимликлар учун зарур бўлган сувни етказиб берибгина қолмай, балки тоғлардан лойқа ётқизиқлар билан бирга минерал ўғитлар ҳам олиб келади деб” унинг дехқончилиқдаги ўрнини кўрсатиб ўтган. “Қора сув” манбаи булоқ суви ҳисобланади. Дехқон жамоалари ўртасида икки хил сувдан ҳам навбат билан фойдаланган, сувни миқдорига қараб эса тақсимлаган. Сувнинг миқдори об-ҳавонинг қандай келиши ва йилнинг фасллардаги сув сарфланишига боғлиқ бўлган (Суюнов, 2022. 140-145 бет).

Воҳанинг тоғли туманларида сой сувларидан асосан баҳор ойларида буғдойларни ва бошқа экинларни суғоришда кенг фойдаланган. Ёз ойларида воҳада сув танқислиги ҳисобга олиниб, айниқса июн ойининг бошидан бошлаб, боғлар ҳамда полиз экинлари график асосида навбатма-навбат суғориб борилган. Навбат асосан сойдан қанча сув келишига ва ўша жамоанинг нисбатан қанча суғориладиган ер майдонига ҳам боғлиқ бўлган. Барча жамоа аъзолари сувдан фойдаланиш хуқуқига эга бўлиб, мавжуд сув манбаи ахоли ўртасида тенг тақсимланган. Ҳар бир хўжалик ахолиси сув миқдорини ҳисобга олган ҳолда экин

экиш турларини танлаганлар ва аввалдан қатъий келишув асосида сувдан фойдаланганлар (ЦГА Уз ССР, Ф. И-13, оп. I, Д. 9183, л. 9).

Дехқончиликда, сувдан фойдаланиш түғрисида давлат томонидан маҳсус қонунлашган ёзма хужжат бўлмаган, фақатгина хужжат ер учун берилган. Олди-соттида фақатгина ер ҳисобга олиниб сув ҳам унинг ичига қўшиб юборилган. Дехқон ўз ерига шоли ва бедадан бошқа ҳоҳлаган экинни экиш мумкин бўлган. Экин танлашда ернинг географик тузилиши алоҳида ҳисобга олинган, асосан сув ер сатҳига яқин бўлган жойларда, зовур ва оқава сувлардан фойдаланиш мумкин бўлган ер майдонлардагина шоли экилган. Акс ҳолда шоли экишга рухсат берилмаган. Аҳоли ўзига тегишли бўлган сувдан фойдаланган холос. Навбат асосида тақсимланган сувни иккинчи шахсга сотиш мумкин бўлмаган. Суғоришдан ортиқча сувлар умумий фойдаланишга ўтказилган (ЦГА Уз ССР, ф. И-22, оп. I, Д. 2575, л. 67).

Инженер ирригатор Н. Петровский “тош” ёки “тегирмон” лардаги сув миқдорини аниқлаш учун кўп йил илмий изланишлар олиб борган. Одатда сув тақсимотининг дикқатга сазовор жиҳатларидан бири тегирмоннинг бўлаклариdir. У “кулоқ” деб аталади. Бир тегирмон сув 2-3 қулоққа бўлинади. Сувни тақсимлашда оқсоқол ва мироблар тўғон бошига бориб, тош қўйиш асосида тақсимлаганлар. Шу билан бирга ҳар бир ариқ бошида маълум бир белги ёки бошқа нарса қўйилган. Шу белгидан сув пастга тушса, бу албатта тошнинг қўзғалганини билдирган. Ҳар бир ариқнинг бошига маҳсус қоравул қўйилган. Баъзи вактларда ариқлар оғзига кўнгдаланг тўрт бурчак ёғоч қўйилиб, унинг ўртаси тешиб қўйилган. Бу “кунда” деб аталган. Бундай тақсимловчи “кунда” лар Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида кўп қўлланилган. Ҳар бир қулоқда сув шу асосида тақсимланган. Агар ариқга бир ярим “кулоқ” сув берилиш керак бўлса, тахтадаги тешик шунга қараб кенгайтирилган (Петровский, 1897. С. 50).

Яна битта нарсани таъкидлаш лозимки, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида сувдан фойдаланиш усулларининг бир-бирига яқинлиги, биринчидан ўзаро қўшничилик бўлса, иккинчидан Зарафшон дарёсининг сувидан биргаликда фойдаланган. Шунинг учун ҳам сувдан фойдаланиш усуллари бир-бирларига боғлиқ ва ўхшаш бўлган деб тўлиқ айтиш мумкин.

Қашқадарё воҳасининг баъзи сувга камчил туманларида ариқ сувидан фойдаланувчи аҳоли сувни тақсимлашда қадимдан “чивак” усулидан фойдаланган. Бу усул қуидагича амалга оширилган. Лойдан 50-80 см диаметр (айлана шакл) да лаган (товоқ) ясалган. Бундан ташқари сув “қарич” ҳисобида ҳам ўлчаниб, унда сув оқадиган ариқнинг кенглиги ҳисоб қилинган. Воҳанинг буғдой экиладиган туманларида эса сув “ботмон” билан ўлчаниб, бир ботмон дон экиладиган ер майдонининг суғоришда сарфланадиган сув миқдорига

тенгбўлган. Бундан ташқари “ботмон” ҳосилнинг ҳажмидан келиб чиқадиган ўлчов бирлиги ҳам ҳисобланган.

Шундай қилиб, кадимдан қўлланиб келинган сувни ўлчаш усулларидан кунбай суғориш, қувур орқали ва кўза ёрдамида суғоришда эришилган тажрибалар бошқа усулларга нисбатан бир мунча аниқликларга эга бўлиб, илмий (инновация) ирригация усулларига яқин бўлган. Бу ўтмиш тажриба усулларини ўрганиш ўша давр ижтимоий, иктиносидий ва воҳа суғорилиш тарихини ўрганишда баъзи бир муаммоларни очища ҳам ёрдам беради.

Воҳа дехқончилигига сувдан тўғри фойдаланиш, янги сунъий суғориш каналларини барпо этиш, сув омборлари ва тўғонларни қуришда табиат инжиқликларида рўй берадиган оғатларни олдини олиш ва шу кабилар, ўз-ўзидан сув мутахассисликларини келиб чиқишини тақозо қилган.

Масалан Ўрта Осиёning мавжуд сув хўжаликларида бўлгани каби, Қашқадарё воҳасида ҳам суғориш соҳаси бўйича мутахассислар, сув хўжалиги бошқарувчилари ва ходимлари бўлган. Булар ариқ оқсоқоли, мироб, амин, бандбон номлари билан аталган ва бундай мансаб эгалари беклар томонидан тайинланиб борилган (ЦГА ЎзССР, Ф. И –7. I, Д. 509, л. 8).

Бу мансаблар орасида ариқ оқсоқолларининг мавқеи жуда баланд бўлган. Масалан, ариқ оқсоқоли қарамогидаги ерларни сув билан таъминлаш, бузилган ва таъмир талаб бўлган суғориш каналларини ўз вақтида тузатиш, сувни тўғри тақсимлаш каби масалаларни, ҳамда мироблар фаолиятини тўлиқ назорат қилган. Бош ариқ оқсоқоллари давлат ҳисобидан маош олган. Ҳатто аҳоли ўртасида бирор бир шахс, сувга бўлган ижро талабларини бузса ёки ариқ оқсоқолларининг қўрсатмаларига амал қиласа, улар 30 қунгача қамаб қўйилган (ЦГА. Ўз ССР, ф. И-22, оп. I, Д. 2575, л. 67).

Қашқадарё воҳасининг ирригация техникаси ва сувдан фойдаланиш тартиби тўғрисида қуйидагича хulosага келинди.


а). Қашқадарё воҳаси дехқонлари Ўрта Осиёning бошқа ўлкалари қатори илк темир ва антик давридан бошлаб ўзига хос оддий сув иншоотлари ҳамда мухандислик қурилмаларидан (банд, дархат, тахта, хокбанд) дехқончиликда кенг фойдаланган.

б). Айниқса “сепоя” ва “чорпоя” оддий техник сув қурилмалари тоғ дарёлари ва сой сувлари оқимини тартибга солиш мақсадида кашф қилинган.

в). Воҳанинг оддий сув тақсимлагич қурилмаси бўлган “кунда” дан асосан Қашқадарёнинг қуи ўзанларида бунёд қилинган сунъий суғориш каналларидаги сувни тақсимлашда кенг фойдаланган.

г). Оддий сув тақсимлагич қурилмаси бўлган “кунда” дан, Қарши кўприги орқали ўтадиган сув манбаларини таҳсимилашда кенг фойдаланиб келинган (Маньковская, 1969. С. 64-65). Шу сабабли ҳам бу усулдан то XIX асрнинг охирларигача фойдаланиб келинган.

Расмлар;




1-расм. Қашқадарёning қўйи ўзанларининг тизимли харитаси.



2-расм. Сепия оддий техник сув иншооти.



3-расм. Қўш чархпалак техник сув иншооти.



4-расм. Қашқадарё, Яккабоғдарё, Танҳоздарё, Оқсуударё ва Ғузордарё сув манбаларини тизимли харитаси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бердимуродов А.Э., Суюнов С.С., Қурбонбоев И. Яккабоғ воҳасининг сугорилиш тарихи тўғрисида // Ўзбекистон археологияси, Самарқанд, 2013.

2. **Бартольд В.В.** К истории орошения Туркестана, СПб., М., 1914.
3. **Гелман Х.В.** Особенности работ и строительных материалов Туркестанская края // Спб. 1982.
4. **Ибн Ҳавқал.** Китоб сурат ал –ард // Араб тилидан ўзбек тилига Ш. С. Камолиддин таржимаси. -Тошкент, 2011.
5. **Иrrигация Узбекистана**, том 3, главы 6-12. 1979.
6. **Кондрашев С.К.** Орашаемый Хоразм, // Т., 1931.
7. **Лурье И. и др**, Очерки по историитехники древнего Востока, М., 1940.
8. **Муҳаммаджонов А.Р.** Қўйи Зарафшон водийсининг сугорилиш тарихи., ФАН, Т., 1972.
9. **Петровский Н.Ф.** Туземная единица объема воды и способ деления ее // “Справочная книжка Самаркандинской области” Вып. Самарканд., 1897.
10. **Сайдов А.С.** Ландшафты провобережья Среднего Зарафшана, Фан., Т. 1972.
11. **Суюнов. С.С.** Қашқадарё воҳасида ирригация ишлари билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисида // ҚарДУ ХАБАРЛАРИ, МАХСУС СОН, Қарши-2022.
12. **Ғуломов Я.Ғ.** Хоразмнинг сугорилиш тарихи, (Қадимги замонлардан, ҳозиргача), -Тошкент, 1959.
13. ЦГА Уз ССР, Ф. И-13, оп. I, Д. 9183, л. 9.
14. ЦГА Уз ССР, ф. И-22, оп. I, Д. 2575, л.67.
15. ЦГА УзССР, Ф. И – 7, оп. I, Д. 509, л. 8.
16. ЦГА. Уз ССР, ф. И-22, оп. I, Д. 2575, л. 67.